



МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев хузурида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш масалалари, шунингдек, жорий йил 13 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белги-ланган устувор вазифалар ижросининг бори-ши кўриб чиқилди.

Дунёда кескинлик ва можаролар ўчоқ-лари сақланиб қолаётгани, геосиёсий рақо-бат кучайиб, янги хатар ва таҳдидлар хав-фи ортиб бораётгани таъкидланди. Айрим минтақалардаги ҳарбий ҳаракатлар жид-дий гуманитар ва иқтисодий оқибатларга олиб келаётган нотинч халқаро вазият ша-роитида мамлакатимиз мудофаа қобилия-тини мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мудофаа вазири қўшинларнинг жанго-вар шайлигини ошириш, қисм ва бўлинма-ларни тезкор тайёрлаш, уларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъмин-лаш, ҳарбий-маъмурий секторлар инфрату-зилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Ривожланган давлатларнинг илгор таж-рибаси ва жанговар ҳаракатлар тажриба-

сини ўрганиш, ҳарбий бошқарув ва тайёр-гарлик тизимига замонавий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, қўшинлар самардорлигини оши-риш учун янги технологиялар, жумладан, учувчисиз тизимлар ва рақамли бошқарув ечимларини кенг қўллаш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, ҳарбий-маъмурий сектор-лар, полигонлар, таълим муассасалари ва моддий техник таъминот объектилари инф-ратузилмасини замон талаблари асосида модернизация қилиш ҳамда ривожланти-риш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини та-комиллаштиришни изчил давом эттириш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, замонавий қурол-яроғ ва технологияларни ўзлаштиришга қаратилган дастурларни ке-нгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни янада ривожлантириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича тегишли вазифалар-ни белгилаб берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотиға улкан эҳтиром кўрсатиш, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли исло-ҳотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фар-ровонлигини юксалтириш йўлида алоҳи-да ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умминсоний қад-риятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларни му-носиб тақдирлаш мақсадида қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони билан

Бобомуродова Хосият — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

“Меҳнат шўхрати” ордени билан

Кариева Бернара Рахимовна — Ўзбекистон давлат хореография акаде-миясининг хореография кафедраси про-фессори

Тошова Мойра Набиевна — Бухоро шаҳридаги “Шайхул Олам” маҳалла фуқаро-лар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Тошпулатова Клара Бекпулатовна — Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бош-қармасининг техник бўлими стандартлаш бўйича етакчи муҳандис-технолог, Қаш-қадар вилояти

Халикова Муқаддас Шамакудовна — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

“Дўстлик” ордени билан

Абдрасулиева Жумигул Матековна — Чимбой туманидаги “Гужимли” маҳалла фуқаро-лар йиғини раиси, Қорақалпоғис-тон Республикаси

Алиева Зафара Жумабаевна — Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг амалий санъат ашёлари бўйича эксперти

Ахмеджанова Насиба Муратовна — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзтемирйўлмаштаъмир” акциядорлик жамияти электр машина цехи изоляция устаси

Ахмедова Зарифа Нишоневна — Шароф Рашидов туманидаги “Зомин асали” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзо-лаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтидо-ри, муҳим гоё ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, ижти-моий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, юртимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимиз-ни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси хузу-ридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқинишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳаларида ва жамоат-чилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқла-рини учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловодаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида соврин-дорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисо-диёт ва молия вазирилик Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бававри миқдорига пул мукофоти берили-шини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агент-лиги, Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фао-лияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эриш-ган ютуқларини кенг ёритиб бориш та-всия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси-нинг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ф.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 3 март

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати 2-бетда.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини янада кучайтириш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш юзасидан тақлифлар ҳамда янги ташаббуслар билан танишди.

Мамлакатимизда эрта никоҳ, эрта ёшдаги туғруқ ҳамда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ма-салаларига оила институтини мустаҳкамлаш жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни шакл-лантиришнинг муҳим йўналиши сифатида доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ушбу масалалар энг юқори даражада бир неча бор муҳокама қилиниб, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар олдиға аниқ вазифалар қўйилган. Уларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида идоралараро кенгаш ташкил этилган ва қисқа муддатлар-да амалий тақлифларни ишлаб чиқиш топ-ширилган эди.

▶ Давоми 2-бетда

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва келгуси устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда вилоятда мавжуд иқмониятлардан оқило-на фойдаланиш орқали кўплаб соҳаларда ижобий натижаларга эришилди. Саноат ҳажми 2016 йилдаги 2,8 триллион сўмдан 34,3 триллион сўмга етди, яъни ҳудудий маҳсулот 63 триллион сўмни ташкил этди. Ўтган йили вилоятга 1 миллиард доллар-дан зиёд инвестиция жалб қилинди.

Шу билан бирга, эришилган кўрсаткич-лар ҳудуд салоҳиятига тўлиқ мос эмаслиги таъкидланди. Айниқса, туризм соҳасида ноёб тарихий ва маданий меросга эга бўл-ган ҳудудда сайёҳларнинг ўртача қолиш муддати 1-2 кун билан чекланмоқда.

Вилоятда 1 миллиондан зиёд ёшлар яшайди, ҳар йили 35 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг таълим-тарбияси, замонавий касб-ҳунар эгаллаши ва бандлигини таъминлаш ҳудуд раҳба-риятининг доимий эътиборида бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ёш авлодни Жалолиддин Манғуберди, Беруний, Хораз-ми ва Замахшарий каби буюк сиймоларга муносиб этиб тарбиялаш бўйича янги ти-зимли ёндашувлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

▶ Давоми 2-бетда

Амир Темурнинг марказлашган ва қудратли, қонун устувор бўлган адолатли давлатни жаҳон саҳнасига олиб чиқиши Иккинчи Ренессанс даври бошланишига тўғри келди. Соҳибқирон фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, қисқача айтганда, давлатчилик сиёсати дунё тажрибасининг гултожига айлангани бугун эътироф ва эътибор марказидан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Тарихимиз ва қадриятларимиз қалқони

Шундай даврлар бўлдики, Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндашилиб, бир ёқлама баҳо бериб келин-ди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бундай қарашлар барҳам топди, истиқлол боис, Амир Темурнинг буюк саркарда, дав-лат арбоби, илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳимойиси эканини билдик. Унинг жаҳон та-риҳида тутган ўрни, фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди.

Давлатимиз раҳбари буюк аجدодимиз шахсига тўхталиб айтган сўзларига диққат қилайлик: “**Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Ўйғонув даврини бошлаб берди**”. Бу билан ҳар биримиз темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада ўйғонув жараёнига ҳаётбахш таъсир этгани, умумжаҳон тараққиётига кўмаклаш-ганини англаб, фахр ва гурурга тўламыз.

Юртимизнинг февраль ойида кечган сиёсий-иқтимоий ҳаёти мавзусига бағиш-ланган мақолаимиз ибтидода келтирилган ушбу мулоҳазалар Президентимизнинг шу йил 5 февралдаги “**Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳимойиси Соҳибқирон Амир Темур тавал-лудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида**”ги қарори билан танишган ҳар бир юртодшимиз кўнглидан ўтган бўлса, ажаб эмас. Ҳужжатда Соҳибқирон сиймоси миллий давлатчиликнинг тисмолига айла-ниб, ўзликини англаш, анъана ва қадриятла-римизни тиклаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келаётгани ургула-нади.

Мамлакатимиз миллий ривожининг янги босқичи — Учинчи Ренессансга қадам қўйётган, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида тўғри ҳаётларни юз бераётган бугунги кун-да Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсияти, буюк аждодимизнинг башариат тарихи ва Турон тамаддунидаги ўрни ҳамда те-мурийларнинг бой ва бетакор меросини чу-қур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш мақсадлари акс этган қарор-дан кенг кўламли вазифалар қамраб олинган.

Зеро, ҳужжатнинг асосий мақсадларидан бири ёш авлодни янги Ўзбекистон бунёд-корлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан



Февраль сарҳисоби

ЖАРАЁН ШИДДАТИ ВА МОҲИЯТИ ЭНГ ҚИСҚА ОЙДА ЗАЛВОРИЛ ВА ШУКУҲЛИ ВОҚЕЛИКЛАР КЎП БЎЛДИ

масъулиятни инobatта олиб, ушбу йўналиш-даги ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига кўтариш ҳисобланади.

Февраль ойида халқимиз қалбига янада яқин ва мўътабар айёмга айлиниб бораёт-ган ва мўътабар айёмга айлиниб бораёт-ган муносабат билан мамлакатимиз етакчи-сининг 16 февраль куни эълон қилин-ган “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лаш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги кенг кўламли ислохотларимизни ўзида акс эт-тирган ҳужжат бўлди.

Диний-маърифий, маданий қадриятла-римизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақса-да юртимиз бўйлаб “**Рамазон — меҳ-мурувват, аҳиллик ва шукроналик ойи**” деган эзгу гоё асосида муқаддас ойни му-носиб кутиб олиш ҳамда юқори савияда ўтказиш чоралари белгиланди ва бу ишлар айни кунларда изчиллик билан адо этил-пти. Қарорда назарда тутилганидек, бунда

кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия мас-канига айлантириш, табиий муҳитни асраш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабри-стларни обод этиш, Рамазон ойи билан бо-глиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўй-масдан, ихчам, мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари қарор қабул қи-линган куни Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказганида ҳам чуқур маъно ва юксак инсонийлик фазилатлари мужассам. Бугунги кунда мамлакатимизда Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувват-лашга қаратилган кенг кўламли ишлар қи-линаётгани, бу хайрли ташаббуслар орқали Рамазон нафақат шахсий ибодат ойи, балки жамиятда меҳр-оқибат, аҳиллик ва ўзаро гамхўрликни мустаҳкамлайдиган улкан маъ-навий мактаб сифатида намоён бўлаётгани-ни кўрсатади.

Президентимиз ҳар бир маҳаллада эҳ-тиёжманд оилаларнинг аниқ ва шаффоф рўйхатини шакллантириш, ёрдамларни

фуқароларнинг дини, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ва адо-латли тарзда етказиш шартлигини алоҳида таъкидлади. Масъул идораларга бу борада қатъий назорат ўрнатилиш топширилди.

Жорий йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 19 февраль кунига тўғри кел-ди ва унинг арафасида давлатимиз раҳба-ри Ўзбекистон халқига Рамазон табриги йўллади.

“Эл-юртимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, инсонни эзгу ва савоб ишларга даъват этадиган ушбу ойни муносиб тарзда ўтказиш мақсадида бу йил ҳам мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалла ва уй-жойлар, масжид ва мадраса-ларни обод қилиш, кекса, ногирон ва ёр-дамга муҳтож шахсларнинг ҳолидан хабар олиш, қўшнилар, яқин қариндошларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, ибодат ва ифтор маро-симларини тартибли ўтказишга хонадон ва маҳалла ахллари, жамоатчилик вакиллари тарафидан алоҳида аҳамият берилмоқда”, дейилади Президентимиз табригида.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Бакиева Нарзинисо Мирзоевна — Бекобод туманидаги “Боқиева Назира” фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Бердиева Барно Саитназаровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси

Бобаназарова Жамила Холмуродовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Брюховецкая Надежда Васильевна — “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг технологик бўлими бошлиғи

Даминова Мухаббат Жабборовна — Сарийосиё туманидаги “Оруз Даминзода” фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Зиганшина Динара Равильевна — Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг илмий-ахборот маркази директори

Ибрагимовна Олия Хожамбердиевна — Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 1-Гидрометаллургия заводи кран машинистси, Навоий вилояти

Каримова Феруза Бахтиёровна — Ҳ. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг петрология лабораторияси бошлиғи

Матвеева Ирина Александровна — “Nemolchi.uz” ижтимоий лойиҳаси раҳбари

Мухиддинова Умид Тулкуновна — Ижтимоий химия миллий агентлигининг ногиронлиги бўлган шахслар учун тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

Рўзметова Насиба Шариповна — Хива туманидаги “Қўшич қаттабоғ” ва “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Хоразм вилояти

Убайдуллаева Нигорахон Қурвоналиевна — Қувасой шаҳар ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

Урунбаева Гулчехрашон Шокировна — Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг органик деҳқончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси профессори, Андижон вилояти

Хамраева Муатар Кабилджановна — Чилонзор туманидаги “Гавҳар” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Оқила аёллар” ҳаракати раҳбари, Тошкент шаҳри

II даражали “Соғлом авлод учун”
ордени билан

Адилова Феруза Саибжановна — “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири

Аширова Гулчехра Олимовна — Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими директори

Имамова Дилбар Бабақулловна — Самарқанд шаҳар нурунийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Самарқанд вилояти

Каримова Барно Патхуллаевна — Тошкент шаҳридаги “Ифратли келин” ўқув маркази таъсисчиси

Рахманова Эътиборхон Абдурауфовна — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Тураева Салиха Дусановна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидоги Гулистон тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Сирдарё вилояти

Усмонова Хуриниса Шариповна — Наманган давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, Наманган вилояти

II даражали “Саломатлик”
ордени билан

Абдуллаева Нилуфар Исमतовна — Шофиркон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг бош патронаж ҳамшираси, Бухоро вилояти

Қамбаровна Нигора Фаттаховна — Шаҳрихон туманидаги “Шаҳрихон” оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Андижон вилояти

Мансурская Эльвира Сабриевна — Гулистон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Сирдарё вилояти

Мухамедова Барно Фархадовна — Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

“Соғлом турмуш” медали билан

Бобоева Юлия Леонидовна — Наманган вилояти сув спорти турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг сузиш бўйича мурабийиси

Куанишова Жамила Сейлбек кизи — Учқудуқ туманидаги “Кулқудуқ” оилавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Навоий вилояти

Пазилова Мухоёхон Яқубжоновна — Фарғона вилояти “Miss fitness” аёллар соғломлаштириш маркази раҳбари

Халикова Хуршида Нарзуллаевна — Самарқанд вилояти яқка кураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг дзюдо бўйича мурабийиси

“Содиқ хизматлари учун”
медали билан

Жумаева Садбарой Ахатовна — Денов тумани ички ишлар бошқармасининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Исмоилова Ирода Хатам кизи — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий қисм мутахассиси

“Келажак бунёдкори”
медали билан

Муксинова Махлиёхон Азизжон кизи — “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк дирекцияси” масъулияти чекланган жамияти бош директорининг IT-хизматлар экспортини ривожлантириш бўйича ўринбосари

Мухторова Мадина Инъомжон кизи — Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази талабаси, Жиззах вилояти

“Шухрат” медали билан

Абдувоҳидова Шахноза Абдуганиевна — “UZINFOCOM” масъулияти чекланган жамиятининг рақамлаштириш бўйича директори

Азимова Зарингор Шухратовна — Навбаҳо туманидаги “Беҳработ” маҳалла фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Навоий вилояти

Атаджанова Юлдузхан Юлдашовна — Нукус ихтисослаштирилган маданият мактабининг фортепиано ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Атаева Мукаддас Матякубовна — Урганч шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор, гул етиштирувчи, Хоразм вилояти

Бердимбетова Гулсара Есеновна — Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг кимё лабораторияси катта илмий ходими, Қорақалпоғистон Республикаси

Бўранова Айчурак Равшанбековна — Қўрғонтепа туманидаги “Flowers Anya” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Бутаева Зулайхо — Боевўт туманидаги “Боевўт агропилла” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Сирдарё вилояти

Бутаева Инобат Юлдош кизи — Чироқчи тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассиси, Қашқадарё вилояти

Воҳидова Нойира Раҳимовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтини лаборатория мудири

Жўраева Нилуфар Давроновна — Бойсун туманидаги “Dream’s Shahrinaz” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, хўнарманд-каштаци, Сурхондарё вилояти

Захидова Назира Салоҳиддиновна — Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси гид-таржимони, Самарқанд вилояти

Икрамова Тамилла Алишеровна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси “Ахборот” бош муҳарририяти катта муҳаррири

Камбаридинова Ноила Мехрозовна — Тойлоқ тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Кудайбергенова Асия Мирзали кизи — Зангиота тумани “Фаробий” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Тошкент вилояти

Кудратова Малика Маматмуратовна — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Дўстлик тумани бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти

Мамадалиева Нанбахон Сайдаминовна — Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директорининг маънавий-маърифий ишлар, давлат тили ва илмий-тадқиқот масалалари бўйича маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2026 йил 3 март

Ш. МИРЗИЁЕВ

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИНИ
КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги тақдиротда кенг жамоатчилик, соҳа экспертларининг таклифлари ҳамда илгир халқро тажриба асосида мувофиқлаштириш кенгаш томонидан тайёрланган ташаббуслар кўриб чиқилди.

Жумладан, ижтимоий тармоқларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган бир қатор масалалар бўйича куйидаги таклифлар билдирилди:

— шаҳоний шилқимлик учун белгиланган 5 суткагача маъмурий қамоқ жазосини қатъийлаштириш;

— педофилир учун умрбод озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазони белгиллаш;

— Жиноят кодексининг 118- ва 119-моддаларидаги жинсий жиноятларни вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этган маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказмаслик;

— Жиноят кодексининг 6 та моддасидаги жинсий жиноятлар бўйича ишларни тергов қилиш ваколатини ички ишлар органларидан прокуратурага ўтказиш;

— шаҳоний шилқимлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид материалларда жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги бўйича прокурор қарорини олиш шартлиги;

— аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик жиноятлари билан махсус тайёргарликдан ўтган адокатлар, терговчи ва судьялар шугулланиши;

— зўравонликдан жабрланган ва ҳимоя ордери берилган хотин-қизлар ҳимоясини кучайтириш мақсадида уларнинг телефон курилмаларига махсус “SOS” иловаларини ўрнатиш, бунда чақирув тугмаси босилганда 5 километр радиусидаги ички ишлар ходимлари 10 дақиқада манзилга етиб келиши ва бошқалар.

Шунингдек, юртимизда никоҳларнинг 40 фоизи 18-19 ёшдагилар ўртасида тузилиши, бироқ халқро ташкилотларнинг энг мақбул никоҳ ёши 21 ёш экани, бу ёшга етган шахслар одатда молиявий мустақилликка эришиб, оила қуришга ҳар тўнотлама тайёр бўлиши ҳақидаги тавсиялари асосида куйидаги ташаббуслар билдирилди:

— никоҳни 21 ёшга етган шахслар ўртасида тузилишини рағбатлантириш мақсадида қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш;

— давлат божидан имтиёзлар бериш йўли билан никоҳланувчилар ўртасида никоҳ шартномаси тузилишини рағбатлантириш;

— никоҳ ёшига оид қонунчиликни бузганлик учун жариманинг 15 фоизини бундай ҳолат ҳақида хабар берган шахсларга бериш тартибини жорий этиш орқали эрта никоҳларни аниқлаш самардорлигини ошириш;

— эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомилдорлик ҳолатлари ҳақида ички ишлар органлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига хабар бериш бўйича идоралараро занжирни йўлга қўйиш, бунда қайд этилган ҳолатлар ҳақида хабар бермаслик учун маъмурий жавабгарликни белгиллаш;

— ҳомилдор ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан банд талаба қизлар учун таълимни давом эттириш имконини бериш орқали уларни таълимдан тушиб қолшининг олдини олиш ва бошқалар таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари билдирилган ташаббусларни маъқуллаб, тегишли фармонга имзо чеки ҳамда соҳадаги янгиланган кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 3 мартдаги ПҚ – 76-сон қарорига иловаЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР
РЎЙХАТИ

Сатниязова Индира Қанияз кизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Эримбатова Дилноза Нурулла кизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич магистранти (Қорақалпоғистон Республикаси)

Умурузқова Мохларой Мухторжон кизи — Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Абдуқаҳорова Муслимахон Мирзабахром қизи — Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Эргашова Мехринисо Хусниддин кизи — Бухоро давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Файзуллаева Вазира Хамидовна — Бухоро давлат тиббиёт институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Турсунова Висола Бехзодовна — Жиззах давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Жўрабоева Мухсина Ориф кизи — Ўзбекистон Миллий университетининг табиий география кафедраси кабинет мудири (Жиззах вилояти)

Муродова Маржона Шухрат кизи — Божхона институтининг халқро ҳамкорлик бўлими инспектори (Қашқадарё вилояти)

Амирова Латофат Баҳром кизи — Эркин ижодкор, шоира (Қашқадарё вилояти)

Қудратова Машхура Фазлиддин кизи — Навоий шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

Ҳайдарова Лазиза Набижон кизи — Навоий давлат университетининг 2-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Эргашова Хушнубоё Тоҳиржон кизи — М. Тургунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли балет артисти (Наманган вилояти)

Исмоилова Гулшаной Шухрат кизи — Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Мамедова Амалия Парвизовна — Самарқанд шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Тоҳирова Мохигул Умир кизи — Самарқанд давлат университетининг амалий психология кафедраси ассистенти (Самарқанд вилояти)

Мингбоева Зулхаё Улуғбек кизи — Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

Махмудова Олимаҳон Юсуфжон кизи — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Сирдарё вилояти бўлими созандаси (Сирдарё вилояти)

Иброғимова Нодира Журабековна — Тошкент шаҳридаги “Shkola 21” нодавлат таълим муассасаси лойиҳа раҳбари (Сурхондарё вилояти)

Шокирова Гулҳайё Ўқтам кизи — Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институтининг 1-босқич магистранти (Сурхондарё вилояти)

Уралова Гулҳайё Баходир кизи — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти 2-босқич таянч докторанти (Тошкент вилояти)

Холмухамедова Паризод Жасурбек кизи — Юқори Чирчиқ туманидаги 24-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бадий каштачилик ўқитувчиси (Тошкент вилояти)

Жўрабоева Дилафрузжон Сардоржон кизи — Халқро фрилансерлик платформалари фрилансери (Фарғона вилояти)

Собирова Дилафрузжон Салоҳиддин кизи — Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Фарғона вилояти)

Қурбонбоев Мохинур Одилбек кизи — Урганч давлат тиббиёт институтининг катта ўқитувчиси (Хоразм вилояти)

Дўсметова Шаҳзода Дўсмет кизи — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Хоразм вилояти бўлими мақом хонандаси (Хоразм вилояти)

Саранцева Анастасия Олеговна — Мирзо Улуғбек туманидаги 208-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Мавлонова Севинч Санжар кизи — “Янги Ўзбекистон” университетининг 2-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ ИШЛАР
ҲОЛАТИ ВА ЗАМОНАВИЙ
ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Аҳолининг 67 фоизи қишлоқларда истиқомат қилишини инobatта олиб, айнан қишлоқ жойларда қўшимча даромад манбаларини яратиш орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш муҳим экани қайд этилди.

Масалан, Гурлан, Тупроққалъа, Янгибозор ва Қўшқўпир туманларида чорвачиликка ихтисослашган 135 та маҳаллада насли чорвани кўпайтириш, Урганч, Хонқа, Қўшқўпир ва Шовот туманларида маҳаллаларни курилиш материаллари, тўқимачилик, хўнармандчилик ва мебеласозлик йўналишларига ихтисослаштириш, шунингдек, Урганч, Қўшқўпир, Хонқа, Янгиариқ ва Шовот туманларида 6 та санаят ва хизматлар микромарказини ташкил этиш орқали камида 10 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш имконияти бор.

Утган йили вилоятга келган хорижий ва маҳаллий туристлар сони 12,5 миллион нафарга етган. Бироқ хизматлар кўлами ва сифати, янги туристик маршрутлар ташкил этиш, саёҳат объектларини мазмунан бойитиш ишлари етарли эмаслиги қайд этилди.

Хива шаҳри, Богот ва Хива туманларидаги туризм маҳаллаларида сервис объектлари барпо этиш, 59 та маҳалладаги 14 та гавжум кўча бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш, тадбиркорларга тақдим этиш вазифаси қўйилди.

10,8 гектар майдонда жойлашган Сулаймон қалъа мажмуасини янги туристик объект сифатида комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди. Шунингдек, Урганч шаҳри орқали ўтувчи Шовот канали бўйида туризм ва сервис объектлари ҳамда кўнгилочар марказлар ташкил қилиш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилди.

Ингилишда инвестиция ва экспортни ошириш устувор вазифа сифатида қайд этилди. Ҳазорасп, Урганч, Шовот, Тупроққалъа ва Урганч шаҳри салоҳиятидан самарали фойдаланиб, йирик санаят лойиҳаларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Питнак шаҳридаги автомобиль заводи қувватини ошириш, маҳаллийлаштириш даражасини 62 фоизга етказиш орқали ахилт машинасозлик кластерини

Маматқулова Гулбахорхон Ахмедовна — Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникумининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Фарғона вилояти

Масимова Кунел Илосовна — Зарафшон шаҳридаги 15-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Навоий вилояти

Муминова Зебохон Рихсибаевна — Юнусобод туманидаги “Nova school” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Норматова Лобархон Холматовна — Риштон туманидаги “Фурқат” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Созикина Елена Геннадевна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси

Ташбаева Гулчехра Карабековна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси



Нодир МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Инсон тақдирига дахлдор омил

Жамиятнинг қай даражада ривожланаётгани инсонларнинг қўлдан келтириладиган ўзгариш...

Февраль ойида Президентимиз мутасаддилар иштирокида Фаргона, Навоий, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ислохотлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларни муҳокама қилди...

Хусусан, 4 февраль кунин Фаргона вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда ер ва қазилма бойликлари чекланган бўлишига қарамастан, ҳудудда сўнгги йилларда иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва ахборот технологиялари соҳаларида барқарор ўсиш таъминлангани кайд этилди...

Йиғилишда эришилган натижалар хотир-жамликка асос бўла олмагани таъкидланиб, истиқболдаги кечиктириб бўлма вазифалар белгилаб олинди, мавжуд имкониятлар таҳлил қилинди...

Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан 10 февраль кунин бўлиб ўтган йиғилишда вилоятнинг саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эътибор қаратилган бўлса, 12 февралдаги йиғилиш кун тартибидан Андижон вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва устувор вазифалар муҳокамаси ўрин олди...

Президентимиз 20 февраль кунин Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари бўйича йиғилиш ўтказди...

Шунингдек, ҳудуд иқтисодиётида сезиларли ўзгаришларга эришилгани кайд этилди. Жумладан, 8 йил олдин ҳудуд иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳажм бўйича энг охириги ўринда бўлган бўлса, бугун 7-ўринга кўтарилди...

Келгуси 5 йилда ҳудуд иқтисодиётининг 102,5 триллион сўмга (2025 йилда 54,3 триллион сўм бўлган), аҳоли жон бошига эса 51 миллион сўмга етказиш, саноат ва хизматлар соҳасида 7,2 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган...


Йиғилишда инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳудудга аввал берилган имтиёзлар муддатини узайтириш таклифи билдирилди...

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонда белгиланган марраларга эришиш учун барча имконият ва ресурсларни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир туман ва маҳаллада аниқ ҳисоб-китоб ҳамда манзилли ёндашув асосида иш ташкил этиб, аҳоли турмуш сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий натижаларини тезроқ таъминлаш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди...


13 февраль кунин Президентимиз раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди...

Йиғилиш аввалида ўтган йилги макрокўрсаткич натижалар кайд этилди. Камчилик ва нуқсонларга йўл қўйган, ташаббус ва фаоллик кўрсатган мутасаддилар раҳбарлар, вилоят ва туман ҳокимлари фаолияти таъкид қилинди...

Давлатимиз раҳбари 2026 йил учун белгиланган кўрсаткичларга тўхталиб, 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 167 миллиард долларга етказиш режаси геосийсий вазият ва иқтисодий тебранишларни инобатга олган ҳолда шакллантирилган эҳтиёткор прогноз эканини таъкидлади...



Февраль сарҳисоби



ЖАРАЁН ШИДДАТИ ВА МОҲИЯТИ ЭНГ ҚИСҚА ОЙДА ЗАЛВОРЛИ ВА ШУКУҲЛИ ВОҚЕЛИКЛАР КЎП БЎЛДИ

Худудларни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, инсон қадрини ошириш мавзулари йиғилиш ва тақдиротлар чегарасини бузиб, ҳудудларга амалий таширф кўринишида давом этди...

Сўнгги йилларда саноат, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик жадал ривожланиш палласига кирган ҳудуд сифатида эътироф этилаётган вилоятдаги ўзгариш, янгилиниш ва ислохотлар натижалари билан танишган давлатимиз раҳбари дастлаб юқори кучланиши кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Епсo Group" корхонасида бўлди...

Бугун иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли ўсиши натижасида электр энергиясига эҳтиёж ортиб бораётгани юқори кучланиши электр узатиш тармоқларини ривожлантиришни тақозо этмоқда...

Фаолияти ушбу талабни қондиришга қаратилган "Епсo Group" корхонаси Беларус Республикасининг "EnergoKomplekt" компанияси билан ҳамкорликда "Eltech Industrial" технопарк ҳудудида 21 гектар майдонда барпо этилмоқда...

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг келгусидаги ривожланиш режалари, ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди...

Президентимиз тумандаги "Vades Group" компанияси томонидан амалга оширилаётган юқори технологияли лойиҳа билан ҳам танишди. Мазкур корхонада идентификация учун мўлжалланган микропроцессор модуллари, сим-карталар, шунингдек, транспорт, ижтимоий ва халқаро тўлов карталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди...

Шунингдек, "Infinity Copper Group" мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти мамлакатимиз етакчисининг эътиборидан четда қолмади. Лойиҳа Хитой ва Германия компаниялари билан ҳамкорликда 10 гектар майдонда амалга оширилмоқда...

Шунингдек, "Eltech Industrial" технопаркида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар тўғрисида ҳам ахборот берилди. Шу ернинг ўзига корхонанинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури тақдимот қилинди...

Ташриф давомида "Premier" миний техника маҳсулотлари корхонаси фаолияти билан ҳам танишилди. Келгусида мажмуа тўлиқ ишга тушириш ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилган...

— Электротехника саноатини иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айлантириб, кўрсаткичларини келгусида ўн миллиард долларга етказишни стратегик мақсад қўйиб қўйишимиз зарур...

тэйрлашга алоҳида эътибор қаратишимиз шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз 26 февраль кунин ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёналари билан танишиш учун Сурхондарё вилоятига ташриф бурди...

Сўнгги йилларда саноат, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик жадал ривожланиш палласига кирган ҳудуд сифатида эътироф этилаётган вилоятдаги ўзгариш, янгилиниш ва ислохотлар натижалари билан танишган давлатимиз раҳбари дастлаб юқори кучланиши кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Епсo Group" корхонасида бўлди...

Бугун иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли ўсиши натижасида электр энергиясига эҳтиёж ортиб бораётгани юқори кучланиши электр узатиш тармоқларини ривожлантиришни тақозо этмоқда...

Фаолияти ушбу талабни қондиришга қаратилган "Епсo Group" корхонаси Беларус Республикасининг "EnergoKomplekt" компанияси билан ҳамкорликда "Eltech Industrial" технопарк ҳудудида 21 гектар майдонда барпо этилмоқда...

Давлатимиз раҳбарига корхонанинг келгусидаги ривожланиш режалари, ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳамда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича таклифлар тақдимот қилинди...

Президентимиз тумандаги "Vades Group" компанияси томонидан амалга оширилаётган юқори технологияли лойиҳа билан ҳам танишди. Мазкур корхонада идентификация учун мўлжалланган микропроцессор модуллари, сим-карталар, шунингдек, транспорт, ижтимоий ва халқаро тўлов карталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди...

Шунингдек, "Infinity Copper Group" мис қувурлари ва фитинглар ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти мамлакатимиз етакчисининг эътиборидан четда қолмади. Лойиҳа Хитой ва Германия компаниялари билан ҳамкорликда 10 гектар майдонда амалга оширилмоқда...

Шунингдек, "Eltech Industrial" технопаркида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар тўғрисида ҳам ахборот берилди. Шу ернинг ўзига корхонанинг 2026-2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури тақдимот қилинди...

Ташриф давомида "Premier" миний техника маҳсулотлари корхонаси фаолияти билан ҳам танишилди. Келгусида мажмуа тўлиқ ишга тушириш ҳисобига 87 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши кутилган...

— Электротехника саноатини иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айлантириб, кўрсаткичларини келгусида ўн миллиард долларга етказишни стратегик мақсад қўйиб қўйишимиз зарур...

— Сурхондарё нафакат табииати гўзал замин, балки руҳи бақувват, ғайрати баян, орияти мустаҳкам инсонлар юртидир. Сурхонни ривожлантириш янги Ўзбекистоннинг жанубий

таънч устунини мустаҳкамлаш демакдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Худудлар тараққиёти ва ҳаёти, маҳаллий тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетар экан, Президентимиз 4 февраль кунин имзолаган "Маҳаллий ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясининг янги тизим асосида ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон унинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирмасак бўлмас.

Хўжаб маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, саноат тармоқлари ва аҳоли истеъмоли учун зарур маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришда бозор механизмларини кенг жорий қилиш, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида саноат кооперациясини тизимли кенгайтириш, давлат харидларида маҳаллий маҳсулотлар харидини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашни тақомиллаштириш чора-тадбирларини ақс эттириди.

Фармоннинг асосий мақсадлари сифатида саноат кооперацияси ва давлат харидлари соҳасида ягона бошқарувни жорий этиш орқали яхлит ва мувофиқлаштирилган давлат сиёсати

тўлдирувчи сифатида ҳар икки томонга улкан имкониятлар тақдим этилди.

Дангалини айтганда, Ўзбекистон манфаати нуқтаи назаридан, Покистон портлари денгиз йўлига чиқишимиз учун дунё бозорига элтувчи дарвозаларнинг олтин қалити вазифасини бажаради...

Ташриф давомида давлатимиз раҳбарига "Нишон Покистон" ордени топширилди. Покистон Бош вазири Шайхзода Шариф "Нишон Покистон" давлатининг энг олий мукофоти экани, агар бундан ҳам юксакроқ мукофот бўлса, унга ҳам энг муносиб шахс Шавкат Мирзиёев бўлишини таъкидлаб, лутф этди...

Шунингдек, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон Президентига Покистон Миллий фан ва технологиялар университети фанрий доктори ва профессори унвонларини бериш маросими бўлиб ўтди...

Президентимиз давлат ташриф доирасида "Айвони Садр" қароргоҳида Покистон Ислам Республикаси Президенти Асиф Али Зардорий билан тор доирада ва делегациялар иштирокида учрашув ўтказди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг давлатки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.

Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трампнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Утган ойда Ўзбекистон Швейцариянинг Давос шаҳрида можаборнинг кескинлашуви хавфини камайтириш, Гаёо секторига иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун қулай шaroитлар яратишга қаратилган Тинчлик кенгаши таъинишларидан бири бўлгани катта сиёсий воқеа сифатида баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари 19 февраль кунин Вашингтон шаҳрида Тинчлик кенгашининг давлатки йиғилишида иштирок этди. АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтказилган тадбирда Озарбайжон, Қозғистон, Бахрайин, Индонезия, Аргентина, Парагвай, Руминия, Миср, Қатар, Покистон, Венгрия, Албания, Арманистон, Вьетнам, Камбоджа, БАА, Туркия, Кувейт, Саудия Арабистони, Исроил, Марокаш ва бошқа давлатлар делегациялари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Гаёо секторини қайта тиклаш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, шунингдек, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари нутқида Ўзбекистон Тинчлик кенгашини тузиш бўйича тинчликсевар ташаббусни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишимиз шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Халқаро майдонда ишончли ҳамкор Президентимизнинг 5-6 февраль кунлари Покистон Ислам Республикасида давлат ташриф доирасида ўтказилган стратегик ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга асос яратгани билан тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ташриф давомида эришилган келишув ва шартномалар нафакат мамлакатларимиз, балки Марказий ва Жанубий Осиёни ўзаро боғловчи,

тўлдирувчи сифатида ҳар икки томонга улкан имкониятлар тақдим этилди.

Дангалини айтганда, Ўзбекистон манфаати нуқтаи назаридан, Покистон портлари денгиз йўлига чиқишимиз учун дунё бозорига элтувчи дарвозаларнинг олтин қалити вазифасини бажаради...

Ташриф давомида давлатимиз раҳбарига "Нишон Покистон" ордени топширилди. Покистон Бош вазири Шайхзода Шариф "Нишон Покистон" давлатининг энг олий мукофоти экани, агар бундан ҳам юксакроқ мукофот бўлса, унга ҳам энг муносиб шахс Шавкат Мирзиёев бўлишини таъкидлаб, лутф этди...

Шунингдек, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон Президентига Покистон Миллий фан ва технологиялар университети фанрий доктори ва профессори унвонларини бериш маросими бўлиб ўтди...

Президентимиз давлат ташриф доирасида "Айвони Садр" қароргоҳида Покистон Ислам Республикаси Президенти Асиф Али Зардорий билан тор доирада ва делегациялар иштирокида учрашув ўтказди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг давлатки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.

Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трампнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Утган ойда Ўзбекистон Швейцариянинг Давос шаҳрида можаборнинг кескинлашуви хавфини камайтириш, Гаёо секторига иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун қулай шaroитлар яратишга қаратилган Тинчлик кенгаши таъинишларидан бири бўлгани катта сиёсий воқеа сифатида баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари 19 февраль кунин Вашингтон шаҳрида Тинчлик кенгашининг давлатки йиғилишида иштирок этди. АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтказилган тадбирда Озарбайжон, Қозғистон, Бахрайин, Индонезия, Аргентина, Парагвай, Руминия, Миср, Қатар, Покистон, Венгрия, Албания, Арманистон, Вьетнам, Камбоджа, БАА, Туркия, Кувейт, Саудия Арабистони, Исроил, Марокаш ва бошқа давлатлар делегациялари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Гаёо секторини қайта тиклаш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, шунингдек, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари нутқида Ўзбекистон Тинчлик кенгашини тузиш бўйича тинчликсевар ташаббусни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишимиз шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Халқаро майдонда ишончли ҳамкор Президентимизнинг 5-6 февраль кунлари Покистон Ислам Республикасида давлат ташриф доирасида ўтказилган стратегик ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга асос яратгани билан тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ташриф давомида эришилган келишув ва шартномалар нафакат мамлакатларимиз, балки Марказий ва Жанубий Осиёни ўзаро боғловчи,

юртилишини йўлга қўйиш, юқори технологияли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшилган қиймат занжирларини яратиш, ўзлаштириш тавсия этиладиган рақобатбардош маҳсулотларини аниқлаш ва бошқа жиҳатлар ўрин олган.

ватлагани ва уни муваффақиятли рўёбга чиқаришда амалий иштирок этишини қатъий таъкидлагани таъкидланди.

— Ишончим комил, кенгаш иши Гаёо минтақасини иқтисодий ва ижтимоий қайта тиклаш учун қулай шaroит яратишга имкон беради, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ушбу ҳудудда турар жойлар, болалар боғчалари, мактаб ва шифохоналар барпо этишга имкон қадар ҳисса қўшишга тайёрлигини қайд этди.

— Бизнинг учрашувимиз халқаро бирдамлик, тинчликсеварлик ва Яқин Шарқдаги вазиятни яхшилашга бўлган умумий интилишимизнинг ёрқин ифодасидир. Биз янги Гаёони — иқтисодиёти фаровон, аҳоли учун муносиб турмуш шaroитларига эга бўлган минтақани барпо этиш учун ушбу тарихий имкониятдан фойдаланишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тадбирда бошқа хорижий мамлакатларнинг давлат, ҳукумат ва ташки сиёсий идоралари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди. Йиғилиш якунида Тинчлик кенгаши фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги декларация имзоланди.

Мамлакатнинг олтин фонди

Кўксарой қароргоҳида 24 февраль кунин Президентимизнинг ёшлар билан мулоқоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари учрашув давомида мамлакатимиз келажакнинг олтин фонди бўлган ёшларга ишонини, сунянишини, уларнинг салоҳиятини тўла намойён қилишлари учун барча имконият ва шaroитларни яратиш беришини таъкидлади...

Учрашувда илгари сурилган ташаббуслар қўламини ва миқёси доимгидек салмоқли бўлди. Тадбир шаклан мулоқот кўринишида кечган бўлса-да, мазмунан давлат ва ёшлар ўртасидаги ижтимоий шартноманинг янги моделини ифода этди...

Президентимиз ёшлар билан мулоқот доирасида "Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап" — "President Tech Award" лойиҳаси ғолибларининг тақдироти билан танишди. Мазкур таллов Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги кўмағида 2023 йилдан бошлаб ўтказилмоқда...

Талловда сунъий интеллект, ижтимоий технологиялар, MicroSaaS ва AdTech, молиявий технологиялар ва тадбиркорлик, ўйин дастурлари ҳамда махсус йўналиш — хакагон бўйича энг намунали лойиҳалар таллаб олинди.

Илк ташкил этилган талловда тўрт мингдан зиёд иштирокчи қатнашган бўлса, 2025 йилда келиб улар сони олти мингга яқинлашди. Жамоаларнинг сони эса 444 талдан 862 тага етди. Давлатимиз раҳбарига таллов ғолиблари ўзларининг стартап лойиҳалари, уларнинг афзалликлари ва амалий самараси хусусида сўзлаб берди...

— Биз кичик стартаплар катта-катта лойиҳаларга, даромадли бизнесга айланиши учун зарур шaroитларни яратиш беришга таялмоқчимиз. Бунинг учун ҳар бир стартапчи билан мулоқот қилиш, унга керакли ёрдамни кўрсатиш лозим, — деди Президентимиз.

Ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш орқали келажак касбларига замин яратилаётгани, дунё давлатлари ҳам ёшларнинг стартап лойиҳаларига алоҳида қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

Президентимиз стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга маблаг янада кўпайтирилишини айтиб, ёшлар ўзларининг янгича қарашлари ва гоъялари билан яна қайси соҳа ва йўналишларда иланиши кераклиги юзасидан тавсияларини берди.

Йилнинг иккинчи ойи тақдимот, йиғилиш ва қабулларга ҳам бой бўлди. Жумладан, фуқаро авиацияси, кўмир ва уран тармоқларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда навбатдаги лойиҳалар, урбанизация ва уй-жой қурилиши, сув ресурсларидан фойдаланиш, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган таклифлар бўйича тақдимотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ҳузурда креатив иқтисодиётни ривожлантириш ва янги маданият масканлари лойиҳалари, техник тартибга солиш соҳаси, фаолага сунъий йўлдош учирини ва биринчи миллий космонавтин тэйрлаш бўйича таклифлар, ипакчилик соҳаси, қишлоқ хўжалигида техниклар паркинни янгилаб, рақамли ечимларни кенг жорий этиш ва бошқа қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Музокари якунида Шавкат Мирзиёев Асиф Али Зардорийнинг Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф этди.

Президентимиз давлат ташриф доирасида "Айвони Садр" қароргоҳида Покистон Ислам Республикаси Президенти Асиф Али Зардорий билан тор доирада ва делегациялар иштирокида учрашув ўтказди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг давлатки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.

Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трампнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Утган ойда Ўзбекистон Швейцариянинг Давос шаҳрида можаборнинг кескинлашуви хавфини камайтириш, Гаёо секторига иқтисодий ва ижтимоий тикланиш учун қулай шaroитлар яратишга қаратилган Тинчлик кенгаши таъинишларидан бири бўлгани катта сиёсий воқеа сифатида баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари 19 февраль кунин Вашингтон шаҳрида Тинчлик кенгашининг давлатки йиғилишида иштирок этди. АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтказилган тадбирда Озарбайжон, Қозғистон, Бахрайин, Индонезия, Аргентина, Парагвай, Руминия, Миср, Қатар, Покистон, Венгрия, Албания, Арманистон, Вьетнам, Камбоджа, БАА, Туркия, Кувейт, Саудия Арабистони, Исроил, Марокаш ва бошқа давлатлар делегациялари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар ҳудудлар тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ: ЯНГИ БОСҚИЧ ВА УСТУВОР МАҚСАДЛАР



Гулжан ХАЛИМУРАТОВА, Олий Мақсис Қонунчилик палатаси депутаты

Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган йилги иқтисодий ҳисоб-ҳисобот натижадорлиги, имкониятлар ва келгуси вазифалар атрофида муҳокама қилинди. 2017 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон тараққиётини давом эттириш бўлими бошқарилишида ҳудудда муносабат, хизмат кўрсатиш, энергетика, туризм ва рақамли технологиялар соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилди. Янги санаот корхоналари, АТ парклари, энергетика қувватлари ишга туширилиши иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверига айланди.

Статистик кўрсаткичлар бу жараённинг амалий натижасини яққол тасдиқлайди.

ҳам яхши кўрсаткич. Қорақалпоғистоннинг табиий ресурслари ва қазилма бойликлари унинг стратегик аҳамиятини янада оширади. Цемент, қурилиш тошлари, гипс, шиша ва бошқа хомашё захиралари йирик санаот кластерларини ташкил этиш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади. Йилгида келгуси беш йиллик ривожланиш параметрлари ҳам белгилаб олинди.

Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 102 триллион сўмдан ошириш, санаот ва хизмат кўрсатиш соҳасида 7 миллиард долларлик лойиҳалар режалаштирилган. Шу билан бирга, экспорт қийматини 900 миллион долларга етказиш, ишсизликни 4,2 фоизгача, камбағалликни эса 3,2 фоизгача камайтириш вазифаси қўйилди. Айрим шаҳар ва туманларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган манзилли чоралар ишлаб чиқилди.

Келгуси йилларда ҳудудга тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳажмини 2,5 баробар ошириш мақсад қилинган ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сунъий интеллект маркази, автомобиль бутловчи қисмлар кластери, базальт толаси ишлаб чиқариши, чикиндиларни қайта ишлаш каби лойиҳалар иқтисодиётни диверсификациялашга хизмат қилади.

Ешлар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида АТ университети, стартап технопарк ва интеллектуал марказлар ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса Қорақалпоғистонни инновацион ривожланиш нуқтасига айлантириши кутилмоқда. Ҳудуддаги ер



QR code and text: УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Келгуси йилларда ҳудудга тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳажмини 2,5 баробар ошириш мақсад қилинган ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сунъий интеллект маркази, автомобиль бутловчи қисмлар кластери, базальт толаси ишлаб чиқариши, чикиндиларни қайта ишлаш каби лойиҳалар иқтисодиётни диверсификациялашга хизмат қилади.

Жумладан, санаот маҳсулотлари ҳажми 2016 йилга нисбатан бир неча баробар ошди, ялпи ҳудудий маҳсулот эса 8,5 триллион сўмдан 54,3 триллион сўмга етди. Хизматлар соҳасида ҳам барқарор ўсиш кузатилиб, унинг ҳажми 35 триллион сўмдан ошган. Шу билан бирга, инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида жорий этилган имтиёз ва преференциялар иқтисодиётга сармоа оқимини сезиларли даражада кўпайтирди. Натигада ҳар йили кўплаб лойиҳа амалга оширилиб, минглаб иш ўрни яратилган. Фақат 2025 йилнинг ўзида 177 миңдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланиб, 83 миңгacha қамбағалликдан чиқарилиди.

Қорақалпоғистон учун экологик барқарорлик масаласи алоҳида аҳамиятга эгаллиги кўпчиликлари маълум. Орон денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳудуддаги экологик вазиятни бошқича-бошқича яхши томонга ўзгартиряпти. Денгизнинг қуриб қолган ҳудудида миллионлаб гектар яшил майдон барпо этилиши табиатни тиклаш билан бирга янги иқтисодий имкониятлар ҳам яратмоқда.

Ижтимоий соҳада ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Янги таълим, тиббиёт ва инфратузилма объектлари барпо этилиб, хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда. Бу эса аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилади. Сўнгги йилларда ҳудуд иқтисодиёти таркибида ҳам сифат ўзгаришлари кузатилди. Илгари экспорт улushi паст бўлган, ҳозир эса бу кўрсаткич 30 фоиз атрофида. Умумий экспорт ҳажми эса 2,1 миллиард долларга етгани

ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, иқлимга мос янги экин турларини кўпайтириш ва доривор ўсимликлар етштириш бўйича вазифалар белгиланди. Чорвачилик ва яллов ҳўжалигини ривожлантириш, озуқа ишлаб чиқариши ва агросанаот мажмуаларини ташкил этиш ҳам муҳим йўналишлардан.

Туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Оролбўйи ва Устюрт платосида глэмпинг зоналари, "Борса келмас" туз кони ҳудудида туризм-рекреация зонаси, Орол тарихи музейини модернизация қилиш каби лойиҳалар амалга оширилади. Бу ишлар ҳисобига ҳудудга минглаб хорижий ва маҳаллий сайёҳни жалб қилиш режалаштирилган. Қорақалпоғистоннинг транспорт-логистика салоҳиятини ошириш мақсадида Кўнжиротда халқаро стандартларга жавоб берадиган "қуруқ порт" ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, ичимлик сув таъминоти, йўл қурилиши ва коммунал инфратузилмани яхшилашга катта маблағ йўналтирилган.

Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга қаратилган мазкур вазифалар ҳудуд иқтисодиётини янги бошқича олиб чиқишга хизмат қилади. Белгиланган чора-тадбирлар иччил амалга оширилса, ҳудуднинг улкан ресурс ва инсон капиталли салоҳияти тўлиқ намоён бўлади. Энг муҳими, бу жараён орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари очиб ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади. Шу маънода, Қорақалпоғистондаги ислохотлар нафақат ҳудуд, балки бутун мамлакат тараққиёти учун муҳим стратегик аҳамият касб этади.



АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИНИ РўЙХАТГА ОЛИШ

Маълумотларга кўра, 1886 йили Тошкент шахрининг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмида жами 8 турдаги 534 завод-фабрика фаолият юритган. Ушбу корхоналар Шайхонтохур, Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларида жойлашган бўлиб, тарихий фактда уларнинг ишлаб чиқариш қуввати бўйича ҳам рақамлар кўрсатилган.



Одатда бу каби статистик маълумотлар одамлар учун қизиқ бўлибгина қолмай, муайян даврга оид қайтлар, демографик ва бошқа кўрсаткичларнинг умумий манзарасини кўрсатиб берадиган асосий омилдир.

Статистик рақамлар аниқ ва шартли бўлиши керак. Бунинг учун қадамдан турли усуллардан фойдаланиб келинган, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ишончли манбаларни ярата олмаган. Бу даврлар, турли сиёсий вазиятлар, тарихий ноаниқликлар, шароит ва имкониятлар каби қатор омиллар билан боғлиқ. Аммо бугун энг замонавий, рақамлашган технологиялар асрида яшаймиз. Демак, статистикани ҳам аниқ маълумотлар асосида шакллантириш учун имкониятлар етарли. Кейинги йилларда юртимизда бу нафақат одамларнинг статистик рақамларга ишончини ошириш, балки мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бирига айланди.

Жорий йил бошида Ўзбекистон тарихида илк бор ўтказилган аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш умумийлиги тадбири ҳам шу жиҳатдан юртдошларимиз орасида катта қизиқиш уйғотди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан жорий йилнинг 15 январидан 28 февралга қадар давом этган мазкур тадбир бир ярим ой давомида мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий ҳамада муҳим воқеа сифатида диққатимиз марказида бўлди. Юртдошларимиз унда фаол иштирок этиб, жараёнларга қатнашганидан кўра юқори қизиқиш билдиргани, рўйхатдан ўтиш талабларига жиддий ва масъулият билан ёндашганига гувоҳ бўлдик.

Аҳоли ва қишлоқ ҳўжалиги икки бошқичада — онлайн ҳамда тегишли ходимлар уйма-уй юрган ҳолда рўйхатга олинди. Аввалга ҳамюртларимиз 15-31 январь кунлари census.stat.uz махсус ахборот тизими орқали онлайн рўйхатдан ўтди. Натигадаларга кўра, атиги 17 кунда мамлакатимиздаги жами хонадонларнинг 82,3 фоизида истиқомат қилувчи 30 миллиондан ортиқ киши онлайн рўйхатдан ўтган ва бу МДҲ давлатлари орасида ўзинга хос рекорд кўрсатқичдир.

Рўйхатга олишнинг иккинчи бошқичи эса 4 февралдан 28 февралга қадар анъанавий, яъни хонадонма-хонадон юриб маълумот тўплаш тарзида давом этди. Бунда асосий эътибор онлайн бошқичада иштирок этмаган ёки қўшимча аниқлаштириш талаб этилган хонадонларга қаратилган. Рўйхатга олуви-

Graphic with text: AHOLINI VA QISHLOQ XO'JALIGINI RO'YXATGA OLISHDA FAOL ISHTIROK ETING! Yangi O'zbekistonning bir qismi bo'li!

олинди, — дейди Миллий статистика қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Усмон Абдурашулов. — Бу жараёнда қўшимча турар жой объектлари, жумладан, янги қурилган уй-жойлар аниқланди. Аммо айрим ҳолатларда хонадон аъзоларининг вақтинча хорижда бўлиши ёки бошқа объектив сабаблар туфайли уйда бўлмалиги натижасида кам сонли фуқаролар рўйхатга олишда иштирок эта олмаган бўлиши мумкин. Ушбу фуқаролар аҳолини рўйхатга олиш бўйича ташкил этилган колл-марказининг 1851 қўлиқа рақамига кўнгироқ қилиши лозим. Қайта ўрганишга масъул статистика органи ходимлари уларнинг хонадонига бориб, рўйхатга олади. Бундай ҳолатлар халқаро амалиётда ҳам учрайди ва умумий натижаларнинг ишончилигига таъсир кўрсатмайди.

Айтиш жоизки, аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш Ўзбекистон тарихида тўлиқ рақамлаштирилган, замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилган ва қамровлар аҳолини рўйхатга олиш бўйича ташкил этилган колл-марказининг 1851 қўлиқа рақамига кўнгироқ қилиши лозим. Қайта ўрганишга масъул статистика органи ходимлари уларнинг хонадонига бориб, рўйхатга олади. Бундай ҳолатлар халқаро амалиётда ҳам учрайди ва умумий натижаларнинг ишончилигига таъсир кўрсатмайди.

Айтиш жоизки, аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш Ўзбекистон тарихида тўлиқ рақамлаштирилган, замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилган ва қамровлар аҳолини рўйхатга олиш бўйича ташкил этилган колл-марказининг 1851 қўлиқа рақамига кўнгироқ қилиши лозим. Қайта ўрганишга масъул статистика органи ходимлари уларнинг хонадонига бориб, рўйхатга олади. Бундай ҳолатлар халқаро амалиётда ҳам учрайди ва умумий натижаларнинг ишончилигига таъсир кўрсатмайди.

Энди маълумотларнинг аниқлиги ва сифатини баҳолаш мақсадида рўйхатга олиш натижалари қайта ўрганилади. Бу халқаро тавсияларда кўрсатилган бўлиб, март ойи давомида тасдиқий танлаб олинган хонадонларга мутахассислар қайта боради. Одатда бундай қайта текширувлар умумий қамровнинг ўртача 5-10 фоизи доирасида бўлади. Бизда ҳам 10 фоизгача қамров асосида қайта ўрганиш режалаштирилган. Одамлар бундан тўғри тушуниши, хонадонларга борадиган ходимлар қайта берадиган қисқа саволларга жавоб беришларини сўраймиз. Чунки рўйхатга олиш жараёни нисоятда жиддий бўлиб, ундаги ҳар бир маълумот аниқ ҳамда тўғри бўлишига эътибор қаратилаяпти. Бунинг учун катта

лар ҳар бир хонадонга кириб, тегишли маълумотларни махсус планшетлар орқали ягона электрон тизимга киритиб боради.



куч, ҳаракат ва ресурслар йўналтирилган ҳолда, аниқ статистик маълумотларни шакллантириш зарур.

ижтимоий тармоқлар ва бошқа платформаларда мунтазам жавоб бериб боради. Тадбирларни ўтказишдаги очкичлик ва шаффофлик эса одамларнинг жараёнларга дахлдорлик ҳиссини янада оширди. Умуман, юртимизда илк бор бундай йирик форматда, жаҳон стандартлари асосида ўтказилган рўйхатга олиш тадбирларини кенг жамоатчилик, маҳаллий ва хорижий мутахассислар, халқаро оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда экспертлар фаол кузатиб боради.

Шу йил 28 февраль кунини аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш жараёни расман аяунланди. Энди унинг натижалари, кейинги жараёнлар ҳам қўпчилигини қизиқтирмақда.

— Дастлабки маълумотларга кўра, аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш умумийлиги тадбирида жами 8,3 миллион хонадонда яшовчи аҳоли тўлиқ қамраб олинди, — дейди Усмон Абдурашулов.

Биргина мисол: жараённинг иккинчи бошқичида аҳоли онлайн тўлдирган сўровномадан кўпда хатоликлар аниқланиб, тузатишлар киритилган. Танишларимдан бирининг айтишича, онлайн рўйхатдан ўтганида амалиёт аяунланган, аммо бошқаларидан фарқли тарзда экранда исм-фамилияси кўрсатилмаган. Кейинроқ унга келган маҳалла ходими бу ҳолат сўровномани нотўғри тўлдиргани, айрим маълумотлар чиқариб юборилгани, айримлари эса хато киритилгани билан боғлиқлигини айтган. Қўлидаги планшет орқали бир неча дақиқада унинг маълумотларини қайта киритиб, рўйхатдан ўтиш жараёнини тўлиқ аяунлаб берган.

Гап шундаки, танишимнинг аввал онлайн рўйхатдан ўтгани ишни осонлаштирган. Чунки маълумотларни бошидан киритилган кўра, хатоларнинг ўзинигина тузатиш ходимга ҳам осон кечган. Қолаверса, унинг рўйхатдан ўтиши бутун оиласи учун етарли бўлиб, хонадоннинг бошқа аъзолари безовта қилинмади. Бойси, улар ҳақиқатда маълумотлар ҳам бир шахс орқали параллел тарзда киритилган.

Яъни рўйхатга олиш жараёни бирдан анъанавий тарзда эмас, аввал онлайн амалга оширилгани шу жиҳатдан қулайлик бўлган. Қолаверса, жараён одамлар учун қўйинчилик туғдирмади, ходимларнинг ўзи хонадонларга бориб, рўйхатга олди. Бунга кўп вақт ҳам керак бўлмади. Аммо биргина ана шу ҳаракат орқали юртимиз ҳаётидаги катта ва муҳим жараёнда иштирок этиб, энг тўғри статистик маълумотлар тўпланишига ҳисса қўшаётганимизни ҳис қиламиз. Ахир, рўйхатга олиш бу — амалда мамлакат ҳудудида яшаб турган аҳолини тўғридан тўғри ҳисобга олиш бўлиб, демографик ҳисоб-китобларни аниқлаштиришга хизмат қилади ва келгуси йиллар учун ишончли статистик базани яратади.

Тўғри, шу вақтга қадар ҳам мамлакатимизда аҳоли сони статистикаси эълон қилиб боришган, аммо у эскича усулларда ҳисобланган. Демак, ҳозирги рўйхатга олиш натижасида бу рақамлар ўзгариши ва аввалги расмий маълумотлардан фарқ қилиши ҳам мумкин.

— Мустақиллик йилларида аҳоли сони тўлиқ рўйхатга олиш орқали эмас, балки демографик ҳисоб-китоб усули асосида аниқлаб келинган, — дейди Миллий статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Зойир Йулдошев. — Бунда асос сифатида 1989 йилги сўнгги рўйхатга олиш натижаларида аниқланган 19,7 миллион фуқаро сони қабул қилинган. Кейинги йилларда 1989 йили қайд этилган 19,7 миллион киши сони демографик баланс усули асосида аниқлаб боришган. Яъни ҳар йили тутилганлар сони қўшилган, вафот этганлар сони аяирилган, хориждан доимий яшаш учун кўчиб келганлар қўшилган ҳамда мамлакатдан доимий яшаш учун чиқиб кетганлар сони аяириб боришган. Шу тартибда аҳолининг жорий сони ҳар йили аниқлаб келинган ва 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳоли сони 38 миллион 236 миңгacha 704 кишини ташкил этган.

Рўйхатга олиш натижасида аҳоли ёки чорва сони расмий жорий маълумотлардан муайян даражада фарқ қилиши мумкин. Бу — табиий ҳолат. Чунки шу вақтгача аҳоли сони демографик ҳисоб-китоблар асосида, чорва сони асосан ҳисобот топшириш орқали шакллантирилган. Рўйхатга олиш эса амалдаги ҳолатни манзилга чиқиб, бевосита ҳисобга олиш жараёни бўлиб, аввалги баҳолашлар билан реал натижалар ўртасида фарқ кузатилиши эҳтимоли мавжуд. Бу фақат Ўзбекистонга хос эмас, хориж тажрибасида ҳам рўйхатга олишдан кейин айрим ҳудудларда аҳоли сони кутилгандан кам ёки кўп қилган ҳолатлар учрайди. Аммо рўйхатга олишдан мақсад рақамни ўзгартириш эмас, балки уни аниқлаштиришдир.

Дастлабки статистика июлга қадар чиқарилади

Шундай қилиб, узоқ тайёрларик қўрилган ва юртдошларимиз катта қизиқиш билан кутиб олган аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш тадбири фаоллик билан ўтказилди ва февраль сўнгига расман аяунланди. Одамлар эса олинган статистик маълумотлар бирдан эълон қилинишини кута бошлади. Аммо мутаасдилар қайта ўрганиш, барча маълумотлар йирилгандан кейин уларни қайта ишлаш, текшириш ва таҳлил қилиш муайян муддат талаб этишини билдирди. Маълумотларга кўра, айрим хорижий давлатлар тажрибасида рўйхатга олиш натижалари 2-3 йил мобайнида қайта ишланган, шундан кейин бошқича-бошқича эълон қилинган. Бирок бизда бу жараён узоққа чўзилмаслиги айтилмоқда.

— Бизда маълумотларни киритиш жараёнининг ўзиндаёқ мантиқий назорат механизми жорий этилгани, яъни реал вақт режимида отоҳлантирилган орқали хато ва камчиликлар дарҳол тузатиб борилаётгани маълумотларни қайта ишлашни сезиларли даражада тезлаштиради, — дейди Усмон Абдурашулов. — Ҳозир онлайн ва уйма-уй юриб йирилган маълумотлар ягона базада жаамланмоқда, техник ва мантиқий текширувлар ўтказилипти. Шунингдек, номувофиқлик ҳолатлари бўйича қўшимча таҳлиллар амалга оширилмоқда. Дастлабки натижалар жорий йилнинг 1 июлига қадар, аяуний ва тўлиқ таҳлил қилинган расмий маълумотлар эса 2027 йили 1 июлга қадар эълон қилиниши режалаштирилган. Бу рақамлар шунчаки йирилган маълумот эмас, балки бир неча бошқича текширувлардан ўтган, аниқлаштирилган ва расмий тасдиқланган ишончли натижалар бўлади.

Яъни ҳар биримиз ҳақимиздаги маълумотлар асосида мамлакатимизнинг умумий статистикаси шакллантирилади. Бу қанчаллик катта база экани, ундаги ҳар бир рақам муҳимлигини тасаввур қилиш қўйин эмас. Бошқа жиҳатдан, бу маълумотларни хавфсиз сақлаш ҳам жиддий масала эканини яхши тушунамиз.

Мутаасдиларнинг изоҳлашича, фуқаролар тақдим этган барча маълумот амалдаги қўнунчиликка мувофиқ ҳимоя қилинади. Шахсий маълумотлар махфий сақланиб, фақат умумлаштирилган статистик кўринишда ишлатилади. Уларни сақлашда ҳам барча чоралар қўрилган. Ахборот тизими юқори ишончли ва захираланган маълумотларни қайта ишлаш марказида жойлаштирилган бўлиб, миллий сертификатга эга криптомодуль орқали маълумотлар шифрланган ҳолда сақланади. Статистик қайта ишланган олдидан маълумотлар шахсийлаштирилиши, яъни умумлаштирилган кўринишга келтирилиб, муайян фуқаронни аниқлаш имконияти тўлиқ қекланиши айтилмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Илм сарҳадларида

ЖАМИЯТ ЗИЙНАТИ

БУГУН ХОТИН-ҚИЗЛАР ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Илмий тадқиқот билан шуғулланаётган хотин-қизлар яхши билади: илм-фан фақат билим ва меҳнат эмас, сабр, матонат, мувозанат ҳамда қатъият талаб этадиган йўлдор. Орзу ва ишонч билан босиб ўтиладиган бу йўлдаги ҳар бир ютуқ ортида меҳнат ва фидойилик мужассам. Яна бу йўлда аёл кишидан илм ва оила ўртасида мувозанатни сақлаш учун катта матонат талаб этилади. Ана шу синовлардан чекинмай, олға интилаётган опа-сингилларимиз бугун илм-фан тараққиётининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Албатта, бу жараёнда давлат томонидан яратилган шарт-шароит ва имкониятлар катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз илм-фани йўлида самарали меҳнат қилаётган, илмий тадқиқотлар ўтказиб бериш ва инновацион соҳаларда хотин-қизларга юксак эътибор натижаси уларнинг турли соҳалардаги иланишларида аксини топмоқда. Ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида фаолият юритаётган илмий ходимларнинг 997 нафари аёллардир. Уларнинг 5 нафари академик, 117 нафари фан доктори, 272 нафари фан номзоди ва фалсафа доктори.

Олима аёллар раҳбарлик қилаётган илмий лойиҳаларнинг аксарияти тиббиёт, техника ҳамда кимёвий технологиялар йўналишларига дахлдор. Аёлларнинг фан ва технологиялардаги иштирокини янада кенгайтириш янги гоёлар, стартаплар ва инновацияларни кўпайтириб, иқтисодий рақобатбардошликни оширади. Мисол учун, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ва “Technovation Girls Uzbekistan” ташкили ана шу мақсадга қаратилган. Инновацион ривожланиш агентлиги ўтказадиган “Академик ҳаракатчилик” дастури доирасидаги танловларда 2025 йили 38 хотин-қиз голиб чиқиб, тадқиқотларини янада самарали ташкил қилиш имконига эга бўлди.

Жамиятимиз зийнати, келажак авлод учун ибрат мактаби бўлган олима аёлларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, экология ва бошқа соҳалардаги иланишлари илм-фандаги айрим муаммоларга муносиб ечим бўлиб, миллий инновацион тизим самарадорлиги ошишига хизмат қилайти.



Глобал рақобат кучайиши шароитида туризм жаҳон иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз ҳудуддаги сайёҳлик ресурслари салоҳиятида самарали фойдаланган ҳолда туризмни миллий иқтисодийнинг стратегик тармоғига айлантириш орқали мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш мумкин.



Дилбар АСЛАНОВА, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори

Бунда маҳаллий ва хориқлик ногиронлиги бор инсонларнинг инклюзив туризмдаги эҳтиёжини қондириш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада инновацион ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда инклюзив туризмни ташкил этишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш мазкур масаланинг замонавий ечимидир. Лойиҳамиз шу мақсадга йўналтирилган. Хусусан, Навоий вилоятининг Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туманларида инклюзив туризмни ривожлантириш учун интеграл турпакетлар ва сурдогидларни тайёрлаш модулларини яратиш кўзда тутилган.

Худудларда инклюзив туризмни ташкил этишнинг услубий асослари, ногиронлиги бўлган шахслар ва оила аъзолари, шунингдек, ёш улуг инсонларнинг туризмга эҳтиёжи ва хоҳиши ўрганилади. Таҳлиллар асосида инклюзив туризм йўналишлари ва турпакетлари ишлаб чиқилади.

Шунингдек, лойиҳа Навоий вилоятининг Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туманларидаги

барча туристик ресурслар ва объектларнинг аниқ тарихий манбаларга асосланган контенти, “туризм ҳамма учун” интернет сайтини яратиш ҳамда унга сайёҳлик объектлари бўйича фото, матн (ўзбек, рус, инглиз тилларида), аудио маълумотларни жойлаштиришни қамраб олади. “Тўсиқсиз муҳит” яратиш ва ногиронлар учун қулай инфратузилмни таъминлаш бўйича техник талаб ҳамда стандартлар ишлаб чиқилади. “Гапирувчи шаҳар” лойиҳасида музейлар ва тарихий-меъморий обидлар ҳудудда жойлаштирилиши мўлжалланган электрон матнлар ва овозли иловалар ишлаб чиқилади.

2026-2027 йилларда амалга оширилиши кутилётган лойиҳамиз яқинда юқори баҳолашиб, грант маблағи тақдим этилди. Бу мамлакатимизда илм-фанга, хусусан, хотин-қизларнинг илмий иланишларига берилаётган эътибор ва қўллаб-қувватловга ёрқин мисолдир.

Бугун жамият тараққиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, айниқса, унинг илк ва энг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Мактабгача ёш даври бола шахсининг жисмоний, интеллектуал, ижтимоий ва эмоционал ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, ушбу тизимда барча болалар, жумладан, алоҳида таълимга эҳтиёжмандлар учун тенг билим олиш имкониятини яратиш долзарб масала.



Сурайит РАҲИМОВА, Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти кафедра мудири

“Мактабгача таълимда инклюзив муҳит яратиш: алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълимга жалб қилиниши” номли амалий лойиҳада мактабгача таълимга алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларни жалб қилиш ва инклюзив муҳитни яратишнинг халқаро илмий-амалий механизmlарини ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Лойиҳада халқаро тажрибага таянган. У алоҳида таълимга эҳтиёжи бор болаларнинг соғлом тенгдошлари қатори фаол бўлиши, мустақил фикрлаш ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари, ушбу концепцияни миллий шартларда татбиқ этиш орқали педагогик механизмларни такомиллаштириш, мактабгача таълимга инклюзив таълимни интеграция қилиш орқали алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг коммуникатив, ижтимоий, шахсий, билиш жараёнларини мустақамлашга қаратилган янги ёндашувлар ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, лойиҳа халқаро тадқиқотлар, тарбиячи-педагогларнинг малака ошириш тренинглари ва педагогик ресурсларни янгилаш орқали миллий ва халқаро таълим стандартларига мослашишга катта ҳисса қўшади. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Марказий Осиё олима аёллари халқаро форумида ушбу лойиҳамиз юксак баҳолашиб, муносиб тақдирланди. Бу жамоамиз учун унутилмас, шукуҳли ва шукронага тўла кун бўлди.

Ҳозир “Тупроқдаги гумус миқдорини бошқариш учун зоогумус ва наноўғитлар қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқиш” лойиҳаси устида ишляпмиз. Лойиҳада тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги махсуслотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш назарда тутилган.



Нафиса ЯХҲЕВА, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Унинг доирасида агротехник тадбирлар ишлаб чиқилиб, органик махсуслотлар, яъни зоогумус ва наноўғитни қўллаб, тупроқ унумдорлиги ва гўза ҳосилдорлиги оширилади.

Ўзбекистонда гўза ҳосилдорлигига таъсир этадиган асосий омиллардан бири — тупроқ унумдорлиги. Аммо йиллар давомида балл бонитети пасайиб кетди. Шу боис, энди тупроқ унумдорлигини кимёвий моддалар эмас, органик ўғитлар ёрдамида ошириш талаб этилади. Тупроқда гумус ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштиришнинг биринчи шартини органик моддалар билан бойитишдир. Зоогумус қўлланганда тупроқ донатор бўлади, агрофизикавий ва агрокимёвий хусусияти яхшиланади, ўсимлик касалликлари ва тупроқ зичлиги камайдди, экинлар ҳужайра хосили 15-20 фоиз ошади.

Юртимизда тупроқ унумдорлиги пасайиши кузатишмоқда. Гумус миқдори сўнгги 50 йилда қарийб 2 баравар камайган. Аксарият фермерлар органик ўғитлар қўлламайди. Айрим хўжаликлар қорамол гўнгини ишлатади, холос. Баргдан озиқлантиришда ҳам муаммо кузатишмоқда. Деҳқонлар орасида зоогумус ва наноўғитлар ҳақида маълумот кўп эмас. “Зоогумус” кўп миқдордаги микрореземента, фермент, витамин ва тупроқ антибиотиклари ўсимликлар учун максимал даражада мавжуд бўлган табиий органик ўғит. Ундан фойдалангандан сўнг тупроқдаги самарадорлик 5 йилдан ортиқ вақт давом этади. Наноўғит нано-технология ёрдамида яратилган, наноматериал ичига ўралган ёки қопланган (капсулаланган), таркиби озиқ моддаларга бой, тупроқда узоқ муддат сақланувчанлигини йўқотмайдиган ўғитлардир.

Яқинда шу лойиҳамиз нуфузли тадбирда юқори баҳоланди ва лойиҳани амалга ошириш учун 2 миллиард сўм ажратилди.

Айни пайтда “Инсект аллергиясини ташхислаш ва даволашни амалиётга татбиқ этиш” лойиҳаси устида ишляпмиз. Бунда инсект аллергиясини ноинвазив ва самарали ташхислаш учун янги диагностика усули — AllerGenChip пластерлари ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади. Иммуноит ҳолати ҳақида маълумот берувчи моддаларни аниқлаш орқали болаларда аллергия хавф паспортини яратиш ҳамда йиғилган маълумотлар асосида AllerGenMapUzbekistan мобил иловаси яратилади.



Шаҳноза МУҲАМЕДОВА, Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири, доцент

Ушбу лойиҳа болалар орасида инсект аллергия ва асоратлари авж олиб бораётгани ва бу ҳолат оғриқ, нафас йўли шишиши, нафас олиш қийинлашиши, анафилактик реакцияларга олиб келиши ҳамда ўлим билан якунланиши мумкин. Инсект аллергиясининг технология аҳамияти ушбу касалликни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш учун янги инновацион усуллари яратишга боғлиқ. Биринчи навбатда, аллергияни тез ва аниқ диагностика қилиш учун биомаркерлар ва

аллергенларни аниқловчи махсус лаборатория технологиялари ривожланмоқда. Масалан, молекуллар аллергияга устулари ёрдамида ҳашарот захридаги алоҳида аллергия протенилар аниқлашиб, индивидуал профилактика терапиясини ишлаб чиқиш имкони яратилади.

Технологик ривожланиш инсект аллергияга қарши профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириди, жумладан, ҳашаротларни назорат қилиш ва инсонга таъсирини минималлаштириди. Бу эса ижтимоий-иқтисодий таъсирларни камайитиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, телемедицина ва рақамли соғлиқни сақлаш технологиялари аллергия билан оғриган беморларни кузатиш ва муолажани самарали ташкил этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг таълимий қисмини амалга ошириш мақсадида Бухоро давлат тиббиёт институти ва ҳудудий тиббиёт марказлари базасида “Аллергиясиз ҳаёт” мактабини ташкил этиш режалаштирилган. Яқинда шу лойиҳамиз нуфузли тадбирда юқори баҳоланди ва уни амалга ошириш учун 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

Барча замонларда аёллар авлодлар илдизи, сабр ва матонатнинг буюк тимсоли, жамият виждони сифатида тараннум этилган. Аёл ҳар бир оила ва жамият тўқислигини таъминловчи муқаддас куч. Шу билан бирга, аёлнинг роли нафақат оилада, балки жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ҳам намоён бўлади.

Бир пайтлар қишлоқ аёлининг мавқеи “қолхоз ишчиси” деган ёрлик билан белгилаб қўйилган эди. Уша йилларда қишлоқ аёлини ҳамма йўллар бир нуқтага — пахта даласига олиб борарди. Давлат сиёсатида “пахта режаси” биринчи ўринда тургани сабабли аёлини қадри унинг ички салоҳияти билан эмас, қулиқ “норма”ни бажариши билан баҳоланарди. Ура-урачиликка асосланган тарғиботлар ҳам асосан аёлларни ижтимоий фойдаланиш меҳнатга жалб этиш, ишлаб чиқариш илгорларини намуна қилишга йўналтирилган эди. Шу тариха қишлоқ аёлларининг умри, орзулари пахтазордаги “оқ қамал” гирдобига сўниб кетарди. Албатта, бу воқеани бугун тўқис шароитларда камол топаётган, замонавий таълим олиб, фаровонликка ўсаётган авлод билмас, лекин пахта даласида атак-чечак қилиб, эгнатларда улғайган авлод вакиллари яхши билади.

Аваллари кўп жойларда болалар масканлари, мактабгача таълим даргоҳлари етишмас, шу сабаб кўпчилик болалар ушбу тизимдан бебахра қолар, бу эса ижтимоий тенгсизликни юзага келтирар эди. Бу ҳолат болалар, аёллар тақдирини ҳам оғир муаммолардан бири саналарди. Давлат томонидан тарбия муассасаларига эътибор қаратилмагани сабабли бола парвариши ва таълим-тарбиянинг бутун масъулияти фақат онанинг елкасига юкланарди. Бу эса унинг ишлаш, ўқиш имконини, шахсий ривожланиш орзуларини чеклар эди. Аммо кейинги йилларда она ва бола тақдирини соя солган бу муаммо ўз ечимини топа бошлади.

Аёл борки, олам мунаввар УМИДДАН ЮКСАЛГАН БУЮК ҚУДРАТ

Давлат сиёсатида таълим-тарбия соҳасига алоҳида устуворлик берилди. Ҳатто энг чека қишлоқларда ҳам болалар боғчалари барпо этилди, зарур инфратузилмалар босқичма-босқич шакллантирилди. Бу ўзгаришлар тўғрисида қишлоқ аёлининг зиммасидан оғир юк камайиб, меҳнат қилиш, билим олиш ва жамиятга ўз ўрнини топиш имконияти кенгайди.

2017 йилдан бошлаб вазият кескин ўзгарди. Президентимиз ташаббуси билан таълимнинг илк босқичини ривожлантиришнинг қўллаб йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур ташкилотларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошди.

Ундан ташқари, авваллари оналар зиммасида бўлган — мактабга қадам қўядиган болаларга илк қоғоз-қалам тутишни ўргатиш вазифаси мактабгача таълим тизими тасаруфига ўтиб, ҳозирги кунда олти ёшли болалар ҳам мактабга тайёрлов гуруҳларида қамраб олинмоқда. Шу билан бирга, 2017 йилга қадар таълим соҳасида аёллар учун қулай ва инклюзив муҳит шаклланмагани, қўшимча қўлайликлар, масофавий ўқиш имкониятлари, болали аёллар учун махсус таълим шақллари йўқлиги, фарзанд тарбияланган ажралмаган ҳолда ўқиш истагида бўлган қўллаб аёлларнинг олий маълумот олиш имконини қийинлаштирар эди. Бу борада қулай таълим турлари жорий қилиниши аёллар учун вақт ва жисмоний мақбул шароитни юзага келтириб,



уларга “ё оила, ё таълим” деган икки каррали танлов ўрнига “ҳам оила, ҳам таълим”ни танлаш имкониятини берди.

Кейинги йилларда хотин-қизларнинг таълим олиши учун фойдасиз таълим кредитлари тақдим этилиши, эҳтиёжманд қизларга грантлар ажратилиши, хотин-қизларнинг таълим тизимини ривожлантиришнинг мажбурий қисми бўлиши каби имтиёзлар уларнинг олий таълимдаги қамрови кескин ошишига сабаб бўлди. Шу йўлида олий таълим муассасаларида тахсил олаётган хотин-қиз талабаларнинг салмоғи ошиб бормоқда.



2025/2026 ўқув йилида жами 255 минг 402 хотин-қиз олий таълимга талабалikka қабул қилинди. Бундан ташқари, 187 минг хотин-қиз “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ахборот технологиялари бўйича ўқитилди. Бу эса келажакда илми, интилувчан ва фаол аёллар сонини орттириши, улар орқали эса бутун жамиятнинг барқарор ва баркамол тараққиётига хизмат қилади.

Ҳар бир аёл, аввало, она. Унга сингган билим, маънавий тарбия келгусида фарзандларига, фарзанди орқали эса жамиятга “ноқадди”. Демак, оналар бутун миллатни тарбия қилади.

Бугун илм-фан, тиббиёт, таълим, санъат ва бошқа жабҳалардаги юксак ютуқлар қўнича аёллар иштироки билан боғлиқ.

Жомбойлик Гулираёно Эркинова пахта даласида умрини ўтказган бувинсинг орзу ва армонларини амалга оширишни, олий таълим олиб, педагог бўлишни орзу қиларди. У 19 ёшида турмуш қурди, тез орада фарзанди бўлди. Ҳаёт у учун аста-секин, фақат уй-ўрғор доирасида давом эта бошлади.

— Бувим умрини колхозда ишчи бўлиб ўтказган. У менга дом олий маълумотли бўлиш кераклигини, ўзи бу имкониятдан фойдалана олмаганини афсус билан айтган. Олий таълимда сиртки таълим очилганидан фойдаланиб, ҳужжат топишдим. Ўқиб, бувижонимнинг орзуларини рўёбга чиқардим. Бувининг донимий ўғитлари, шунингдек, яратилган имкониятлар бизни орзулар сари етакламоқда, — дейди Гулираёно Эркинова.

Албатта, пахтазорда умри кечган катта авлоднинг армонларини ушалтираётган Гулираёно каби бутунги авлод вакиллари орамизда жуда кўп. Улар “осмондан тушган” эмас. Давлатимиз томонидан яратилган шароитлар тўғрисида трансформация йўлини босиб ўтиб камол топган, ҳақиқий қаҳрамонлар. Аёлнинг “уй бекалигидан” раҳбарлик лавозимига бўлган эволюцияси ҳам тасодиф эмас, балки миллий ривожланиш стратегиясининг амалий натижасидир.

Бугун “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни

қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича ишлар қўлима кенг. Бу жараёни институционал жиҳатдан мустақамлаш мақсадида ҳуқуқий заҳа яратилди. Сўнгги йилларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 100 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳужжатлар фақат қоғозда эмас, балки ҳаётда реал иқросини топмоқда. Молиявий ёрдам, имтиёзли кредитлар, субсидиялар, грантлар, касб-ҳунар ўргатиш марказлари орқали кўрсатилётган амалий кўмаклар аёлларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим омига айланди. Натижада хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг самарали ва ўзига ҳос модели шаклланди. Бу модель тизимли ёндашув, қатъий сиёсий ирода ва амалиётда ўз тасдиқини топаётган натижалар уй-ғунлигидир.

Албатта, авваллари бундай имкониятлар бўлмагани сабаб “уйда ўтирадиган” аёллар сони ошиб кетган эди. Бугун имкониятлар ва ислохотлар сабаб ижтимоий менталитет ўзгарди. Иқтисодий фаоллигини ошириш, тадбиркорликка кенг жалб этиш ва ўз ишини болашишга амалий кўмак бериш хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигига ва шахсий ҳаётига, шу орқали бутун оила ҳамда жамият фаровонлигига бевосита таъсир қилади.

Ҳар бир ислохотнинг ҳақиқий қиймати ҳаётини мисолларда, инсонлар тақдирини, қолаверса, тарих кўзгусида ўз аксини топади. Кечаги кунлар тарих саҳнасига айланиб, бугун инсон қадри улугланаётган бу юрда аёлларга яратилётган имкониятлар, ташкил этилаётган инфратузилмалар, қўллаб-қувватлаш механизмлари нафақат уларнинг меҳнат бозоридagi фаоллигини оширмоқда, балки шахсий ривожланиши ва жамиятдаги тенг ҳуқуқли иштирокини таъминловчи мустақам ижтимоий кўприкка айланмоқда. Бу — узоқ кутилган ижтимоий реформа, бу — бутун жамиятда содир бўлаётган юксалиш, ўйғониш, ҳақиқий ривожланишнинг жонли тимсоли.

Шухрат НОРМУРОДОВ, журналист

ЧАРОҒОН ЎЗБЕКИСТОНИМ

Жаҳон майдонида чиқди шараф-шон Ўзбекистоним,
Хумо бошим аро учди, нурафшон Ўзбекистоним.

Тиқиб кўқларда байроғим, қувончдан қувнаган чоғим,
Дилимда ишқу чанқоғим, гулистон Ўзбекистоним.

Буюк соҳибқиронимсан, менинг турку Туронимсан,
Суянчим, навқиронимсан, қадрдон Ўзбекистоним.

Ўзинг бексан, ўзинг хонсан, асл тинчликка қўрғонсан,
Мислсиз боғу бўстонсан, Зарафшон Ўзбекистоним.

Ҳамал гул сочди пойимга, Қуёш айланди Ойимга,
Шукр қилдим Худойимга, фаровон Ўзбекистоним.

Ҳаёт дарвозасин кўзлаб, югурсам тўпни кўз-кўзлаб,
Рақиблар қолдилар бўзлаб, нигоҳбон Ўзбекистоним.

Бўлиб Ахтамқули шайдо, қуёшинг дилга этдим жо,
Жаҳонда тенги йўқ маъво, чароғон Ўзбекистоним.

АХТАМҚУЛИ

Маънавий генофонд ҳимояси

Глобаллашув шиддати ва ахборот технологиялари инсониятга бекиёс имкониятлар тақдим этиш билан бирга қутилмаган маънавий хатарларни ҳам етақлаб келмоқда. Инсоният ўз қўли билан яратган технологик воситаларнинг салбий таъсиридан хавотирга тушаётган ҳозирги даврда миллий ўзлиқни ва аждодлар меросини асраш шунчаки ўтмишга эҳтиром эмас, балки миллат сифатида яшаб қолишнинг бош шартига айланди. Мазкур жараённинг асосий мезони бўлган маънавий генофонд эса миллат тили, тарихи ва эътиқодини бирлаштирувчи яхлит тизим сифатида намоён бўлмоқда.

Биологик генофонд инсоннинг жисмоний соғломлигини таъминласа, маънавий генофонд унинг шахс сифатидаги қиёфаси ва миллатнинг дунё харитасидаги ўрнини белгилайди. Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, тарбия — ё ҳаёт, ё мамот масаласидир. Ушбу қимматли ўғит XXI асрнинг рақамли оламида янгича мазмун касб этиб, жамият олдига ахборот оқими фильтрисиз кириб келаётган бир шароитда, ёш авлодда мафқуравий иммунитетни қандай шакллантириш лозим деган стратегик саволни қўймоқда.

Бу саволга жавоб излашда, энг аввало, ижтимоий тармоқлар гирдобига тушган бола шуурининг ҳимоясизлигига илмий нуқтани назардан эътибор қаратиш лозим. Замонавий тадқиқотлар ўсирилларнинг бир кеча-кундузда ўртача 5 соатдан 9 соатгача вақтини виртуал оламда ўтказишини ва бу жараёнда уларнинг онгига 200 дан ортқ мафқуравий хуруж таъсир кўрсатишини тасдиқламоқда. Ачинарлиси, ота-оналарнинг атиги 15 фоизи фарзанди интернетда айнан нима билан банд эканини тўлиқ англайди. Назоратсиз виртуал мулоқот таъсирида ўсирилларда ҳаётдан қониқмаслик ва руҳий тушқунлик ҳиссининг 35 фоиз ошиши эса жамият учун жиддий сигнал.

Шунингдек, виртуал таҳдидларга қарши энг самарали қалқон — оиладаги рақамли гигиена ва жонли мулоқот уйғунлиги. Бу борада рақамли гигиена шунчаки таққ эмас, балки ахборотни саралаш маданияти бўлиб, у кунига атиги 15 дақиқалик самимий суҳбат орқали ҳам мустаҳкамланиши мумкин. Илмий хулосаларга кўра, ота-она билан юракдан қилинган мана шу қисқа мулоқот боланинг ёт ғояларга нисбатан мафқуравий чидамлигини 40 фоиз оширади. Жалолиддин Румий ҳазратлари айтганидек, “Қалб озқаси бошқа, тана озқаси бошқа”. Фарзанднинг жисмоний эҳтижларини қондириш тана озқаси бўлса, унинг қалбини илм, одоб ва меҳр билан тўлдириш руҳий-маънавий озқадир.

Шу боис, янги Ўзбекистондаги ислохотлар марказида турган “Инсон қадрини учун” тамойили, аввало, оиладан бошланиши, “оила — мактаб — жамият” занжири эса

мустаҳкам бирликка айланиши шарт. Бугунги олий вазиғамиз ёшларни нафақат технологияни эгаллаган мутахассис, балки



маънавий генофондими асровчи, ўз илдизларига содиқ ва ички қалқони мустаҳкам қилиб вояга етказишдан иборат.

Миллий иммунитет пойдевори

Маънавий генофондни асрашда Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги ўлмас ўғитлар фундаментал аҳамиятга эга. Мутафаккир қарашларига кўра, қонил инсон тарбиясида оила ва мактаб муштараклиги миллат учун энг мустаҳкам мафқуравий қалқондир. Фарзанд камолоти ўз-ўзидан шаклланидиган жараён эмас. Шу боис, уни фақат таълим муассасалари зиммасига юклас қутилган натижани бермайди. Бу мақсад йўлида бутун бир жамиятнинг бирдамлиги ва маънавий масъулияти талаб этилади.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, тарбия уч асос — бадан, фикр ва ахлоқ мувозанатига таяниши лозим.



Мулоҳаза



Сабоxtа ЖУМАНИЕВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази етакчи
мутахассиси

Тарихий ворислик занжирига назар ташласак, миллий тарбия моделининг юксак намуналарини кўраимиз. Хусусан, Имом Бухорий волидаси фарзандининг камолоти учун нафақат моддий имкониятларини сафарбар этган, балки унинг ҳар бир сабоғини оналик меҳри ва юксак зийраклик билан кузатиб борган. Соҳибқирон Амир Темур шахсиятида ҳам оилавий муҳит ҳал қилувчи омил бўлган. Амир Тарағай ўғлини ёшлигидан илм мажлисларига олиб бориб, унда теран фикр ва юксак маънавиятни шахсан шакллантирган.

Бу анъанавий масъулият Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросида ҳам яққол кўринади. Унинг Хумоюн Мирзога ёзган мактубидаги: “Хатни мажмалла (чигал) ёзсан... Сўнгида бепарволик

қарамлик ва бепарқликни келтириб чиқаради. Статистикага кўра, оилада меҳр етишмовчилигини ҳис қилган болаларнинг виртуал олам асрига айланиш эҳтимоли тўрт баробар юқори бўлади.

Бинобарин, ҳақиқий маънавий генофонд ҳимоячиси фарзандга вақтинчалик моддий лаззат эмас, балки гаджетлар бера олмайдиган жонли меҳр ва юксак инсоний фазилатларни тақдим этади. Зеро, ота-онанинг шахсий намунаси ҳар қандай виртуал жозибадан кучлироқ.

Фикр ва ахлоқ мувозанати

Халқимизда “Устоз отангдек улуг” деган нақб бежиз айтилмаган. Зеро, мактаб шунчаки билим маскани эмас, балки фарзанд

Мактаб даргоҳидаги тарбия жараёни ота-она ва педагогнинг мақсадлари муштарак бўлгандагина қутилган самарани беради. Шу маънода, “келажак соати”нинг ташкил этилиши ота-оналарга фарзанднинг иқтидори ва қизиқишини бевосита кузатиш имконини бермоқда. Бундай очиқ мулоқотлар ота-она масъулиятини ошириш бораборида оиладаги тарбиявий муҳитни таълим жараёни билан жиғлаштиради. Натижада боланинг ички дунёсини ёт таъсирлардан асровчи мустаҳкам маънавий қалқон вужудга келади ҳамда ўқувчининг ўз иқтидорига мос касбий йўналишини танлашига замин яратади.

Бола тарбиясига лоқайдлик шунчаки шахсий хато эмас, балки миллат келажаги олдидagi масъулиятсизликдир. Абу Наср

ТАРБИЯДАН ТЕЖАЛГАН ВАҚТ — БОЙ БЕРИЛГАН КЕЛАЖАК

қадриятни тиклаш миллатнинг маънавий юксаклиги ва жамият барқорорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳақиқий ота-она фазилати

Инсоният тарихи ва шарқона қадриятлар оиланинг ҳақиқий қудрати унинг иқтисодий ҳолати билан эмас, балки авлодлар ўртасидаги маънавий ворислик кўлами билан ўлчанишини кўрсатади. Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций таълимнинг тамал тоши — “сво” (фарзандлик эҳтироми) тамойили айнан шу муносабатларни тартибга солади. Мутафаккир таъкидлаганидек, агар ота-онанинг масъулияти фақат моддий таъминот билан чекланса, фарзанд онгига ота-она шахси шунчаки “иқтисодий ресурс” сифатида муҳрланади. Бу эса вақт ўтиши билан инсоний муносабатларнинг маънавий илдизидан узилишига ва оилавий меҳр ўрнини манфаат устуворлиги эгаллашига олиб келади.

Ҳақиқий бой ота-она фарзандига моддий мерос эмас, балки юксак маънавий оламни инъом эта олган инсондир. Бирок бугун кўпчилик ота-оналар фарзандига “китоб ўқи”, деб, ўзи ижтимоий тармоқлар гирдобидан чиқа олмаётир. Педагогиканинг олтин қондиси шундаки, бола сўзингизни эмас, ҳаракатингизни такрорлайди. Бинобарин, боланинг кўлига бемақсад телефон тутқазиш унинг фикрлаш қобилиятини чеклаб, виртуал йўқлик асрига айлантириш демакдир.

Ҳозирги “альфа” авлод учун энг катта хавф — айнан маънавий бўшлиқ. Нейробиологлар ушбу ҳолатни икки гормон нисосида асослаб беради. Жонли мулоқот натижасида ишлаб чиқариладиган окситоцин — ишонч гормони инсонда хавфсизлик ҳиссини шакллантиради. Виртуал ўйинлар таъсиридаги дофамин — вақтинчалик лаззат гормони эса

шахсияти ижтимоий муҳит билан илк бор юзма-юз келадиган катта ҳаёт майдонидир. Ижтимоий психологиядаги эмпатик муҳит назариясига кўра, оила ва мактаб ўртасидаги узийлик болада нафақат академик кўникма-

Форобий таъкидлаганидек, “Тарбия оқилликни вужудга келтиради”. Ахлоқий пойдевори бўлмаган билим жиғланмаган вайронкор куч каби хавфли. Технократик кўникмалар Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятлар




ларни, балки когнитив мослашувчанликни — ўзарувчан вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятини шакллантиради.

“Тадқиқотлар маънавий қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд муҳитда улғаяётган ёшларнинг мафқуравий таҳдидларни саралаш ва уларга нисбатан шахсий иммунитетни намоён этиш кўрсаткичи 40 фоиз юқори бўлишини тасдиқлайди.

Бугунги юксак технологиялар асри ёшлардан нафақат интеллектуал салоҳият, балки мустаҳкам маънавий пойдевори ҳам талаб этмоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, тарбия уч асос — бадан, фикр ва ахлоқ мувозанатига таяниши лозим. Бу тамойил замонавий педагогиканинг “шахсга йўналтирилган таълим” концепцияси билан тўлиқ ҳамоҳангдир. Зеро, одоб билан безатилмаган интеллект, руҳий тарбиядан маҳрум қуруқ билим инсоннинг ўзлигини англашига хизмат қилолмайди. Аслида, ҳақиқий маърифат шунчаки формулалар тўплами эмас, балки қалбнинг эзгулик нури билан йўғрилишидир.

билан уйғунлашмас экан, таълим ўз ҳаётини моҳиятини йўқотади.

Маънавий генофондни асраш ва жамият барқорорлигини таъминлаш йўлида тарбиядан тежалган ҳар бир сония — бой берилган бутун бир истиқбол демакдир.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обдуани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
31346 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Боборовшан Ғозидинов
Мусахҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй